

СЌЗНИНГ ТУШУНЧА ИФОДАЛАШИ

Ж.А.Тузикенова – докторант

Ажиинѳз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: сўз маъноси, идрок, тасаввур, тушунча, мавхум тушунчалар, ўқувчилар сўз бойлигини ошириш, тил (лисон), вербал алоқа, нуткий мулоқот.

Ключевые слова: значение слова, восприятие, воображение, понимание, абстрактные понятия, увеличение словарного запаса учащихся, язык, вербальное общение, речевое общение.

Key words: word meaning, perception, imagination, understanding, abstract concepts, increasing students' vocabulary, language, verbal communication, speech communication.

Сўз маъно – тушунча англатади. В.С.Коростелевнинг таърифлашига кўра, сўзнинг маъноси деганда, шу сўз орқали англашилган нарсабуюмнинг инсон фаолиятида тутган ўрни тушунилади [5:17]. Масалан, қалам сўзи ёзиш-чиқиш куралини англатиб, шу буюмнинг ўзи ва у билан қилинадиган ҳаракатларни ўзида мужассамлаштиради.

Маълумки, сўзларни билиш борлиқни билиш, яъни нарсабуюмлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунчага эга бўлишдир. Тушунчалар орқали нарсабуюмлар, воқеа-ҳодисалар ўзига хос умумий белгилари асосида бири-бирдан ажратилади. Одам бунга ўз кузатишлари ва тажрибалари орқали эришади. Кузатишлар ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаси сифатида тушунча сўз маъносининг негизини ташкил қилади.

Л.М.Кузнецованинг фикрича, «Тушунча қотиб қолган ҳолда берилган нарса эмас, тушунча одам онгида ҳиссий тажриба жамламаси – идрок ва тасаввурларни англаш асосида шакллантирилади, яратилади» [6:9]. Бошқача айтганда, одам борлиқдаги нарса-ҳодисаларни улар англатадиган маънолар – тушунчалар орқали тафаккур мулкига айлантиради. Тил ҳодисалари умумлашган сатҳлардан, конкрет нарсабуюмлар, белгилар, ҳаракатлар номларидан иборат бўлади. Тил ҳодисаларидан сатҳларга нисбатан «тушунча» термини умумлашган бир маънода қўлланади: от ҳақида тушунча, сон ҳақида тушунча, нутқ услублари ҳақида тушунча, сифатнинг услубий вазифаси ҳақида тушунча каби. Лекин тилда сўз борки, ҳаммаси – нарсабуюмлар, белгилар, ҳаракат ва бошқалар номлари тушунча англатади. Зеро, тушунча оламни билиш воситаси (ҳар бир буюм, воқеа-ҳодиса турли жиҳатдан англанади: умумлашган номи, белгилари, хатти-ҳаракати ва ҳ.к. тушунча мазмунини ташкил этади; тушунча предметнинг ана шу жиҳатларини билишга қаратилган фаолият маҳсулини ифодалайди).

Тушунчалар бирор тизимга бирлашади. Л.М.Кузнецованинг тушунтиришига кўра, «биз стилистикани эгаллаш асоси бўлмиш тушунчалар тизими ҳақида гапирганда, таянч тушунча – бирор бир услуб ичида марказлашувчи яққа аломатларни (услубий, услуб яратувчи восита), айни услуб тушунчасидаги уларнинг умумлашмасини назарда тутамиз» [6:7].

Умумлаштиришни тушунчанинг шаклланишидаги якуновчи босқич деб қараш лозим [6:8]. «Мунтазамлилик шароити асосидагина тушунча шаклланиши мумкин. Англинганлик ва мунтазамлилик тушунчага нисбатан тўлиқ даражада синонимлар ҳисобланади» [2]. Ўқувчиларда тушунча шундай шакллантирилиши керакки, у ушбу вазифани тўлақонли бажарсин.


Тушунча – тафаккур шаклларида бири бўлиб, унинг ёрдамида воқеа-ҳодисалар, жараёнларнинг моҳияти англанади, уларнинг муҳим белгиси умумлаштирилади. Тафаккурнинг мазмунини унинг мавжудлик шакли бўлмиш сўзлар эмас, айни тушунчалар ташкил қилади. Тушунчалар мавхум характерга эга. Тушунчанинг мазмунини кўрсатмалар тарзда тасаввур қилиш мумкин эмас, лекин унинг ёрдамида одам фикрлайди [3:80]. «Тасаввур

(представление) – бу бизнинг ўтмиш тажрибамизга асосланган предметнинг образини қайта акс эттириш... тушунчали фикрлаш ҳамиша образлик-кўрсатмалар тасаввур билан боғлиқ» [3:80].

Борлиқни ўрганиш жараёнида «идрок — тасаввур – тушунча» изчиллигидаги фаолият амалга ошади. Шунга кўра ҳам тушунчани функционал маънога эга деб ҳисоблаш мумкин: тушунчалар шу йўл билан юзага келади. Киши фикр юритганда номуҳим белгилар орасидан муҳимини ажратиб олади, чунки сўзнинг маъно кўламига нисбатан айтганда, тушунча муҳим ва номуҳим белгилар жамламасини англатади. Муҳим ҳоссалар предметларни бири-бирдан фарқлаш учун хизмат қилади.

Юқорида кўрсатилган изчилликка кўра аввал тасаввур, кейин тушунча келади. Бу иш таҳлил натижасида амалга ошади, яъни ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бизга маълумки, кузатиш жараёнида нарсабуюм, белги ёки ҳаракатнинг бир томони идрок этилади, шу томони ҳақида тасаввур пайдо бўлади, ниҳоят, мавхумлаштириш асосида тушунча юзага келади. Бундай вазиятда тушунча тўлиқ бўлмайди. Ваҳоланки, ўқувчининг сўзни нутқда қўллашида (масалан, сўз бирикмалари тузишида) тушунчанинг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги, конкрет ёки мавхумлиги ўз ҳужумини ўтказиши. Масалан, Р.А.Йўлдошевнинг изоҳлашича, *ташқилот* сўзи болалар учун мавхумроқ тушунчани англатади, шунингдек, 2–4-синфларда ўтиладиган феъллар билан кам бирикади. Масалан, *ташқилот* *тузди*, *ташқилотга* *аъзо* *бўлди*, *ташқилотдан* *чиқди* ва бошқалар. Табиатан, бу сўз бошланғич синфларда эмас, нисбатан юқори синфларда луғат минимумига киритилгани маъқул [7:212]. Маълум бўладики, идрок ҳам, тасаввур ҳам, тушунча ҳам тўлиқ бўлмаса, тушунча доирасида фикр юритиш ҳам тўлиқ бўлмайди.

Тушунчанинг тўлиқлиги нарсабуюм, воқеа-ҳодисаларни ҳар томонлама билишга, шу орқали эса бир сўзнинг тушунча доирасидаги бошқа сўзлар билан алоқалари тўлиқлигига боғлиқ. В.С.Коростелев бу алоқаларни юзага келиш жараёнини [5:17] қуйидагича тасвирлайди:



Шу тарзда «сўзнинг предметли (предметдан), маъновий (смысловой) (субъектдан), парадигматик (фаолиятдан) ва синтактик (тил тизимидан), модал (ўзига хосликдан) алоқалари юзага келади» [5:18]. Англаш мумкинки, тушунчани тўлиқ эгаллаш орқали ушбу тушунча доирасида жамланган сўз алоқалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси эгалланади.

Бизнингча, сўзнинг алоқалар тизими воқелиқни умумлашган ҳолда акс эттириш натижасида юзага келади ва сўз маъносида ўз ифодасини топади.

Айрим тушунчалар турдош тушунчаларни умумлаштириш хусусиятига эга. Уни турдош

тушунчаларни умумлаштирувчи тушунча деб аташ мумкин. Масалан, ўсимликлар кўплаб ўсимликларни умумлаштирувчи тушунчани ифода этади. Уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, ўқув қуроллари каби сўз бирикмалари шундай тушунчани англатади. Бундай тушунчалар қамраб оладиган конкрет тушунчаларнинг оз-кўплигига қараб тушунчанинг ҳажми ҳақида гапирилади. Умумлаштирувчи тушунчанинг мазмуни – бу ушбу тушунчада акс этган бир қатор турдош (бир турдаги) предметларнинг муҳим белгилари йиғиндиси ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, ўқув қуроллари каби сўз бирикмалари 1-синф учун она тили ва ўқиш саводхонлиги бўйича яратилган дарсликда кўплаб учратиш мумкин. Бу ўринда тушунчанинг ҳажми ушбу тушунча татбиқ этиш мумкин бўлган предметлар йиғиндисидир.

Мавҳум тушунчалар маъноси таърифлар орқали англатилади. Масалан, ким?, нима? сўроқларига жавоб бўлувчи сўзлар от деб аталади. Маълум бўлиб турганидек, от туркумига мансуб сўзларнинг муҳим белгилари фикран қўйиладиган сўроқлар орқали аниқланиб, ушбу сўроқлар бир тушунчани бошқаларидан ажратиш учун хизмат қилувчи таърифда акс этадиган белги вазифасини бажаради.

Таҳлиллардан маълум бўладики, мавҳум тушунчаларнинг юзага келиши онг билан, ижтимоий муносабатлар билан шартланади. Лингвистика фанининг табиати унинг ижтимоий функцияси, онг билан алоқадорлиги, тил сатҳлари (фонетик, лексик, морфологик, синтактик, сўз ясаиш, услубий ва ниҳоят, матн сатҳлари каби) шунингдек, бу сатҳларнинг махсус бўлимлари орқали намоён бўлади. Лингвистика фани сўз билан иш қўрадиган барча бошқа фанларнинг лексикасини тартибга солади, маъно кўлами, қўлланиши, талаффузи ва имлоси каби масалаларни бошқаради.

Бир тушунча доираси кенг, иккинчисиники тор бўлиши, яъни тушунча қамрови изоҳида кенгга ҳам, торга ҳам ўтиши мумкин. Бу нарса *чегаралов* деб аталади. Чегаралов, умумлаштириш, бўлиш таснифлаш учун йўл очади. Шу мақсадда амалга ошириладиган анализ ва синтез жараёни биргаликда умумлаштириш маъносини билдиради. Умумий нарса одамнинг фақат тафаккурида, тушунчасида бўлади. Белгиларнинг бўлинишлари ҳам шу тарзда кечади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ўқувчилар таълим жараёнида ўрганадиган янги (нотаниш) сўзларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) ўқувчининг сўз англатадиган тушунча ҳақида тасаввури йўқ;
- 2) сўз англатадиган тушунча нарса-буюм, воқеа-ҳодисанинг ташқи аломатларига кўра таниш;
- 3) сўз англатадиган тушунча ҳар томонлама таниш.

Биринчи ҳолатда ўқитувчи ўқувчиларни янги сўз

билан таништирар экан, у англатадиган тушунча ҳақида тасаввур уйғотиш чорасини ҳам кўради. Иккинчи ва учинчи ҳолатларда сўзни англаш осон кечади. Зеро, одам нарса-буюм, воқеа-ҳодиса ҳақида тушунчага эга бўлиши, лекин унинг қандай аталишини, яъни сўзни билмаслиги мумкин. Масалан, у ўша ўзи билмай турган сўзни билиш учун шундай деб сўраши мумкин: «Ўт ўрадиган асбоб – ўроқдан каттароғининг номи нима эди?». Топишмоқлар образлилиқ асосида таниш тушунчаларни ифодалаш, шунга ишора қилиш йўли билан сўзни айтишга асосланиб яратилади: ўқувчи нарса-буюм, воқеа-ҳодисанинг аломатларини англатувчи тушунчадан янги (нотаниш) сўз билан танишишга қараб боради.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда тушунчалар қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, хотирада сўз сақланади, зарур пайтда тилга олинади. Н.И.Бекниязова ўз тадқиқот ишида бу жараённинг психологик асослари сифатида рухшунос олимнинг таъкидларини келтиради: «И.П.Павлов сўзлар воқеликнинг одамга хос бўлган иккинчи, махсус сигнал системасини ташкил этишини асослади. Сўз бевосита нарса ва ҳодисалардан олинган сигналларнинг ўрнини босади, шунинг учун ҳам Павлов уни (сўзни) сигналларнинг сигнали деб атади» [1:46].

«Рухшунос Пенфильд одам мия пўстлогининг чап ярим шарида жойлашган нутқий фаолияти билан боғлиқ марказ ва зоналар ҳақида фикр юритар экан, нутқ учун зарур ҳаракатларни тартибга соладиган Брок зонасига эътиборни қаратади. Брок зонаси буюмларни аташ маркази билан боғланмас экан, бу зонада ўрганилаётган сўзларни нутқда қўллаш учун зарур динамик стереотиплар ҳосил бўлмайди» [1].

Н.И.Жинкин «Механизм речи» деган китобида шундай фикрни илгари суради: «Сўзларнинг ҳосил бўлиш ва тўпланиш жойи нутқ-ҳаракат анализаторидир деб ҳисоблаш учун барча асослар бор. Эшитув анализатори сўзларнинг ҳосил бўлиш усулини назорат қилади, лекин уларни ўзида тўпламайди. Фақат пайдо бўлиб бўлган ва нутқ-ҳаракат анализаторида ҳаракат излари сақланаётган сўзгина қабул қилиниши ва танилиши мумкин» [4:370].

Тафаккур, жумладан, тил (лисон) сўз ва тушунчалар орқали ташқи борлиқни ифодалайди. Шундай экан, ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда тил билан борлиқ (олам)нинг узвий алоқадорлигидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Кишиларнинг ўзаро вербал (сўз воситасида) алоқа-аралашувида (нутқий мулоқотларида) сўзларнинг катта миқдордаги захираларини ишга тушириш, керакли сўзни хотирага келтириш муҳим аҳамиятга эга. Сўз захираларидан кераклисини танлаш орқали ташқи олам тушунчалари ва кишининг кўнглида туғиладиган ички кечинмалар баён этилади.

Адабиётлар

1. Бекниязова Н.И. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфларида ўқувчилар сўз бойлигини ошириш (предмет белгисини билдирувчи сўзлар мисолида). Пед.фанлари номз. ... дисс. – Тошкент: 1998. 46-б.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь. Избранные психологические исследования. -М.: 1956. -С. 248.
3. Демьяненко М.Я., Лазаренко К.А., Мельник С.В. Основы общей методики обучения иностранным языкам: Теоретический курс. Изд. 2, доп. и перераб. – Киев: «Вища школа», 1984. - С. 60, 80.
4. Жинкин Н.И. Механизм речи. – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1958. –С. 138, 370.
5. Коростелев В.С. Методика функционального формирования лексических навыков говорения (на материале англ.яз.). Канд.дисс. ...пед.наук. – Липецк: 1981. –С. 17.
6. Кузнецова Л.М. Основы методики стилистической работы в средней школе. (Традиции и тенденции методических исследований). – Куйбышев: 1981.– С. 9.
7. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2012. 133–134-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада гап тузишда сўзнинг тушунча англатиши, тушунчанинг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги, конкрет ёки мавҳумлиги ва сўз бойлигини оширишда тушунчалар қанчалик аҳамиятга эга эканлиги, шу билан бирга сўз захирасини бойитиш ва сўзларни маъноси жиҳатдан тўғри қўллаш орқали ўқувчиларининг нутқини ўстириш масалалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В этой статье рассматриваются вопросы понимания слова в составлении предложения, неполного понимания, конкретного или абстрактного, и насколько важны понятия для увеличения словарного запаса, а также для обогащения словарного запаса и совершенствования речи учеников за счет правильного использования слов с точки зрения значения.

SUMMARY. This article describes the issues of understanding a word in sentence construction, incomplete understanding, concrete or abstract, and how important concepts are for increasing vocabulary, as well as for enriching vocabulary and improving pupils' speech through the correct use of words in terms of meaning.

ЛЕКСИЧЕСКИЙ МИНИМУМ КАК СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ РЕЧЕВОЙ КОММУНИКАЦИИ В СФЕРЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБЩЕНИЯ

В.А.Сейтенова – преподаватель

Национальный исследовательский университет

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Таянч сўзлар: мутахассислик тили, лингвистик таркиб, луғавий минимум, танлов услублари, коммуникатив компетенция, касбий мулоқот, иқтисодий атамалар, луғавий бирлик, иқтисодий турғун сўз бирликлари, коммуникатив моҳият.

Ключевые слова: язык специальности, языковое содержание, лексический минимум, критерии отбора, коммуникативная компетенция, сфера общения, профессиональное общение, экономическая терминология, терминологические словосочетания, коммуникативная значимость.

Key words: the language for Specific Purposes, the communicative competence, business dialogue, basic word stock, the language maintenance of training, sphere of communication, criteria of the description, thematic efficiency, semantics, economic terminology, lexeme, set phrase.

Одним из главных и необходимых компонентов содержания учебного занятия в вузе при обучении иностранным языкам студентов-нефилологов является специальная лексика. Использование профессиональной лексики способствует, как известно, формированию положительной мотивации у будущих специалистов. По справедливому мнению психологов, мотивы стоят за целями и побуждают учащихся стремиться к достижению этих целей. Но, как заметил А.Н.Леонтьев, мотив не всегда может совпасть с целью и переместиться на деятельность: «генетически исходным для человеческой деятельности является несовпадение мотивов и целей, которое возникает вследствие того, что деятельность необходимо становится полимотивированной, т.е. одновременно отвечающей двум или нескольким мотивам» [1:201]. Вслед за психологами, различая ближние и дальние мотивы, мы считаем, что особенно большое внимание в организации учебного процесса следует уделять ближним мотивам, так как обучающиеся видят только непосредственно зримые задачи, успешное решение которых приносит удовлетворение, радость и, главное, побуждает у них желание ставить следующие цели и задачи.

При коммуникативно-ориентированном обучении нерусских учащихся профессиональному общению на русском языке основным источником поддержания мотивационной базы является содержание обучения, определение которого зависит, прежде всего, – от цели обучения, условий и этапа обучения. Следовательно, одной из главных методических проблем выдвигается проблема отбора языкового содержания обучения русскому языку как средству речевой коммуникации в сфере профессионального общения.

При отборе содержания обучения мы опирались на концептуальное положение Костомарова В.Г. и Митрофановой О.Д. о том, что «коммуникативность как основополагающая категория науки методики предполагает использование изучаемого языка с самых ранних стадий обучения в естественных для общения целях и функциях или максимально приближенных к ним, имитирующих их. Она сопрягается с идущей от лингвистики проблемой речи, языкового употребления, охватывающего все стороны общения

современных людей, ставит в центр теории и практики обучения второму языку само употребление языка, его функционирование...» [2:10].

По справедливому мнению И.А.Зимней, русский язык как учебный предмет, с одной стороны, не имеет пределов, а с другой, учащийся не может знать только «виды» или «времена», он должен знать всю грамматику, всю лексику, необходимые для общения. Однако реальные условия учебного процесса не позволяют обучить всему, в связи с этим, в методических целях «важно выяснить тот объем, которым располагает или должен располагать говорящий/слушающий при понимании и продуцировании высказываний» [3:15]. Этот «объем» и должен определять отбор языковых средств, мотивированных реальными коммуникативными потребностями обучаемых.

Проблема отбора языкового материала по специальности – лексики, грамматики, фонетики – не нова в методике преподавания русского языка, но продолжает волновать практиков, т.к. научно обоснованный отбор лексических единиц способствует интенсификации учебного процесса, а от характера отобранных единиц зависит вся последующая система работы с ними.

В качестве принципов и критериев отбора учебного языкового материала выдвигаются частотность, употребительность, образцовость, продуктивность, словообразовательная и лингвострановедческая ценность, методическая целесообразность, коммуникативная значимость и др. Однако на практике этот отбор производится стихийно и субъективно. Как пишет Н.М.Лариохина, обучение профессиональному общению часто «...сводится к анализу и синтезу содержательной стороны текста, а языковые средства, владение которыми необходимо для решения задач общения, не подвергаются обработке. Таким образом, нарушается взаимосвязь в формировании лингвистической и коммуникативной компетенции» [4:9].

В методике преподавания русского языка студентам нефилологических специальностей принято выделять в качестве исходных следующие принципы отбора языковых средств: